



ЭРИШИЛГАН ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА КЕЛГУСИ ПРОГНОЗЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурда жорий йилнинг 9 ойида эришилган иқтисодий натижалар, йил якунигача кутилаётган кўрсаткичлар ва 2024 йилга мўлжалланган макроиқтисодий прогнозлар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатимиз иқтисодиёти 5,8 фоизга ўсди. Жумладан, саноат 5,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги 4,1 фоиз, хизматлар 12,1 фоизга ошди.

Жаҳон бозорлари ва логистикадаги мураккаблиқларга қарамай, экспорт 23,5 фоизга ошди, 17,7 миллиард долларни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудларда йirik саноат ва инфратузилма лойиҳалари амалга оширилаётгани ҳисобига, 226,6 триллион сўм инвестициялар ушлаштирилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11,8 фоизга кўпайди.

Йиғилишда жорий йил якунигача кутилаётган кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари дунёдаги оғир вазият иқтисодиётга салбий таъсир этаётгани ва номаълумлигича қолаётгани, шу боис, барқарор иқтисодий ўсишни изчил давом эттириш учун ички имкониятларни кўпроқ ишга солиш зарурлигини таъкидлади.

Айнан шунинг учун 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи 15 фоиздан 12 фоизга туширилди. Бунинг эвазига тадбиркорлар ихтиёрида 7 триллион сўм қўшимча маблағ қолди.

Шунингдек, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашга 35 триллион сўм, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга 19 триллион сўм йўналтирилди.

Шуларнинг натижасида, жорий йилда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан глобал иқтисодиёт 3 фоиз ўсиши прогноз қилинаётган пайтда, миллий иқтисодиётимиз камида 5,6 фоизга ошиши кутилмоқда.

Йиғилишда 2024 йилда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш чора-тадбирлари атрофида муҳокама қилинди.

Маълумки, жорий йил сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегияда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича кўплаб мақсад ва вазифалар белгиланди. Ҳукуматга 2024 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни мазкур стратегиядаги вазифаларни бажариш нуктаи назаридан пухта ишлаб чиқиш топширилди.

Бунда ялпи ички маҳсулотнинг ҳозирги ўсиш суръатини келгуси йилда ҳам давом эттириш учун барча имконият ва захиралар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, 2024 йилда 13 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга тушириш, энергия таъминотини барқарорлаштириш, тармоқлар самарадорлигини ошириш ҳисобига саноатда 6 фоиз ўсиш имконияти бор.

Хизматлар соҳасида 15 фоиз ўсишни таъминлаш учун транспорт, логистика, агро-хизматлар, суғурта, лизинг каби йўналишлардаги фойдаланилмаётган имкониятларни тўлиқ ишга солиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари транспорт, сув хўжалиги, коммунал каби соҳаларда бошланган ислохотларни фаоллаштириш, бунда аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидлади.

ЎзА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ 7+2 ТАМОЙИЛИ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДАГИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Мамлакатимизда ёшларнинг барча тоифаларини кенг қўллаб-қувватлаш, имконият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилганига қарийб икки йил бўлмоқда. Шу вақт давомида етакчилар маҳалладаги ёшларнинг оғирини енгил қилиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш баробарида йигит-қизларимизнинг ишончли ҳамкори, самимий маслаҳатқўйи ва энг яқин дўстига айланди.

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ёшлар етакчиси лавозими билан бира, ёшлар билан ишлашнинг янги бошқарув механизмларини жорий этиш, бунда вертикал тизим яратиш, муаммоларни бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари ҳам белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг туб моҳияти ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмаслигига қаратилган.

Бундай долзарб функцияни бажариши учун маҳалладаги ёшлар етакчиси қандай фазилат



ва кўникмаларга эга бўлиши лозим, улар зиммасига қандай вазифалар юклатилган?

Ёшлар етакчиси лавозимига устувор равишда олий маълумотли, истисно тариқасида ўрта махсус маълумотли, ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, шахсий фазилати, фидойилиги, садоқати ва ватанпарварлиги билан тендошла-

рига намуна кўрсатган ҳолда ордидан эргаштира оладиган шахслар танланиб, саралаш асосида ишга қабул қилинди. Шунингдек, ёшлар етакчисига қўйиладиган маънавий-маърифий, профессионал ва шахсий талабларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давоми 4-5-бетларда

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИ

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИ

“Ижтимоий давлат” тушунчаси “Инсон қадр” гоёси билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг туб негизиди, аввало, инсон қадрини улуғлаш, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсадлар ётади. Ижтимоий давлат моҳиятини ҳар бир инсон учун тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш масалалари қамраб олади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир!”



Ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Иқтисодиёт юксалиши кишилар ҳаётида янги қараш ва имконият очиб беради. Бугунги кунда жаҳондаги иқтисоди ривожланган мамлакатлар бошқа соҳаларда ҳам етакчилигини эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам бозор иқтисодиёти пойдеворлари тобора мустаҳкамланиб борапти.

Барқарор иқтисодий ўсишнинг сезиларли натижалари бугунги кунда яққол кўзга ташлана бошлади. Буни Ўзбекистон бозор иқтисодиёти ва муносабатларининг жаҳон стандартларига мос равишда ривожланиш жараёнини статистик таққослаш орқали кўриш мумкин. Сўнги йилларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланиши натижасида экспорт

2022 йилда 2020 йилгига нисбатан 1,3 баробар ошди, ўсиш суръати шу даврдаги 13,5 фоиз зарардан 15,9 фоиз фойдагача кўтарилди. Коронавирус пандемиясидан кейинги бундай ўсишни мамлакатимизда ташқи савдо муносабатларида кўлга киритилган ютуқлардан бири сифатида баҳолаш ўринлидир.

Юртимизда ўтган йилларда аҳоли реал даромади муттасил ўсди.

Давоми 3-бетда

2012-2016 йилларда бу кўрсаткич 1,9 марта ўсган бўлса, 2017-2022 йилларда 2,2 баробар ошган. Аҳоли жон бошига реал даромад бу даврда 6,7 миллион сўмдан 16 миллион сўмга ёки 2,4 баробар кўпайган. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизмат ҳажми эса мазкур вақт давомида 8,1 миллиондан 10,3 миллион сўмга етган.

БИЗ ВА ДУНЁ

Ўзбекистон ва Хитой: ЎЗАРО ИШОНЧНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Президентининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи ва “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форуми тадбирларида иштироки Хитой ОАВлари диққат марказида бўлди.



Хитойнинг етакчи оммавий ахборот агентлиги, “Жэньминь жибао” ва “China Daily” газеталари, CGTN телеканали, “Китай”, “Lookwe” ва “Psearcher” журналлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 17-18 октябрь кунлари Пекинда бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумида иштироки ва нутқини кенг ёритди.

Жумладан, “Синьхуа” ахборот агентлигининг қайд этишича,

Давоми 2-бетда

ХАЛҚАРО ФОРУМ



СЕНТОБ — ЖАҲОН ТУРИЗМ ҚИШЛОҚЛАРИ РҲҲАТИДА

Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош Ассамблеясининг 25-сессияси доирасида “Энг яхши туризм қишлоқлари” номинацияси бўйича тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу танлов UNWTO томонидан ҳар йили иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан барқарор ривожланаётган, шунингдек, маҳаллий қадриятлар ва анъаналарни сақлаб, уни тарғиб қилиб келаётган энг фаол қишлоқларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилади.

Танловда бу йил Ўзбекистон қишлоқлари ҳам иштирок этиди. Булар — Самарқанд вилоятидаги Кониғил, Навоий вилоятидаги Сентоб, Сурхон-

дарё вилоятидаги Сангардак, Жиззах вилоятидаги Уҳум ва Фарғона вилоятидаги Аввал туризм қишлоқлари.

Давоми 3-бетда

БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ



“ЯШИЛ” КЕЛАЖАКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

2

МУЛОҲАЗА



ФУТБОЛ ЗАВҚИ АТРОФИДА БИРЛАШИШ ТАШАББУСИ

2

БИЗ ВА ДУНЁ

Ўзбекистон ва Хитой:
Ўзаро ишончнинг мустақкамлиги икки томонлама
муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда

Бошланиши 1-бетда

“Музокаралар чоғида икки давлатнинг ривожланиш мақсадлари ўхшашлиги, Хитой Ўзбекистон билан биргаликда миллий модернизация жараёнида ўзаро ўрганиш ва инвестициялар ҳажмини ошириш, хитой-ўзбек ҳамжамиятини биргаликда барпо этишга тайёр экани таъкидланди. Томонлар савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик бўйича ўрта ва узоқ муддатли режани самарали амалга ошириши, муҳим йўналишларда ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси қурилишини тезроқ бошлаш учун шарт-шароит яратиш кераклигини қайд этдилар”, деб ёзди “Синьхуа”.

Нуфузли “Жэньминь жибао” газетасида Ўзбекистон Президенти “Бир макон, бир йўл” форуми доирасида Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Бутунхитой кўмитаси раиси Ван Хунин билан учрашув ўтказгани ҳақидаги материални муштарийлар эътиборига тақдим қилган.

“Икки давлат тараққиёти ўхшаш қарашларга эга ва модернизация йўлида яхши ҳамкор, — деб ёзди газета. — Хитой Ўзбекистон билан икки давлат раҳбарлари эришган муҳим консенсусни амалга ошириш, ўзаро қўллаб-қувватлаш, ҳамжихатлик ва ишончни сақлаш, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида юқори сифатли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр”.

Ушбу мамлакатнинг оммабоп “China Daily” газетаси ҳам Ўзбекистон Президентининг Пекинга амалий ташрифи тафсилотларини кенг ёритди. Давлатимиз раҳбари ташрифида бағишлаб босилган мақолада Хитой энергетика ва инновациялар каби



соҳаларда ҳамкорликни кучайтиришни қўллаб-қувватлаши, Ўзбекистондан кўпроқ сифатли маҳсулотлар импорт қилишга тайёр экани қайд этилган.

Нашрда таъкидланишича, тобора кўпроқ ўзбек ёшлари Хитойда таълим олиши мумкин, Хитой эса ўзбекистонлик талабалар учун кўпроқ стипендия квоталари ажратишга тайёр.

“Ўзбекистон камбағалликка қарши курашда Хитой тажрибасидан фойдаланишга, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида турли соҳаларда ҳамкорлик ва алмашинувларни чуқурлаштиришга ҳамда “Яшил ипак йўли”ни биргаликда барпо этишга кўмаклашадиган”, дейилади газетанда.

“Beijing Review” журналидаги мақолада таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги сиёсий-дипломатик ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар жадал ривожланмоқда. Қайд этилишича, Ўзбекистон ва Хитой бир-бирини ишончли ҳамкорлар деб билади ва икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида

“АЙНИ ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДА КЎП ТАРМОҚЛИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. ЎЗАРО ТОВАР АЙИРБОШЛАШ ҲАЖМИ 8,9 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ХИТОЙ УЗОҚ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК САВДО ШЕРИКЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ, МАМЛАКАТ ТАШҚИ САВДОСИНИНГ 18 ФОИЗ УЛУШИ УНИНГ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ”, ДЕЙИЛАДИ МАҚОЛАДА.

ҳар томонлама стратегик шерикликни мустақкамлаш, ўзаро манфаатли алоқаларни янги босқичга кўтаришдан манфаатдор.

“Айни пайтда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида кўп тармоқли иқтисодий ҳамкорлик йўлига қўйилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 8,9 миллиард долларни ташкил этди. Хитой узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шерикларидан бири бўлиб, мамлакат ташқи савдосининг 18 фоиз улуши унинг ҳиссасига тўғри келади”, дейилади мақолада.

“Китай” журналида ушбу мавзуга бағишлаб чоп этилган мақолада таъкидланишича, стратегик шерикликнинг юксак даражаси Хитойнинг “Бир

макон, бир йўл” ташаббусини илгари суриш бўйича икки давлатнинг фаол ҳамкорлигидан далолат беради. “Ўзбекистон биринчилардан бўлиб халқаро транспорт алоқаларини мустақкамлаш, кенг савдо, сармоявий ва гуманитар алмашинуви ривожлантиришга қаратилган ушбу мегалойҳани қўллаб-қувватлади”, дея қайд этади журнал.

“Lookwe” ахборот-таҳлилий журнали бугунги кунда Ўзбекистоннинг асосий стратегик ҳамкорларидан бири Хитой эканини маълум қилган. “Хитой билан кўп қиррали алоқалар Ўзбекистондаги

ислохотларни олға суриш, иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга муҳим ҳисса қўшмоқда. ХХР билан халқаро ҳамкорлик республика ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланган”, дея қайд этади босма нашр.

Мақола хулосасида “Ўзбекистон ва Хитой ўзаро сиёсий ишончли муносилаш мустақкамлаб, тенглик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олган ҳолда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш”, дейилади.

“Дунё” АА

Пекин

БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ

“ЯШИЛ” КЕЛАЖАКНИНГ
ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

“Бир макон, бир йўл” ғояси қисқа тарихий даврда умумий тараққиёт ва раванга эришиш йўлидаги ҳамкорлик учун муҳим, инклюзив ва очиқ платформага айланган. ХХР Раисининг “Яшил ипак йўли” ташаббуси дастлаб 2016 йилда Ўзбекистонда билдирилгани чуқур рамзий маънога эга.



Зилола ҚОСИМОВА,
сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори (РФД)

Президентимизнинг “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумидаги нутқида ва ХХР Раиси Си Цзиньпин билан ўтказган музокаралари чоғида билдирган фикрлари сўнги ўн йил мобайнида мазкур ташаббус доирасида амалга оширилган ишларга берилган юксак баҳо сифатида қаралмоқда.

Аслида ҳам бу ғоя илк бор 2013 йилда ХХР Раисининг Марказий Осиёга қилган расмий сафарлари давомида илгари сурилган. “Бир макон, бир йўл” халқаро форуми илк бор 2017 йилда ўтказилган. Хитой илгари сурган мазкур ташаббус икки йўналиш — қуруқлик ва денгиз йўллари ривожлантириш ва ўзаро боғлаш орқали давлатлараро ҳамкорлик механизмларини мустақкамлашга қаратилган. Айни кунга келиб, у Осиё, Европа ва Африкадаги 100 дан ортиқ мамлакатни қамраб олган глобал иқтисодий маконга айланган. Маълумотларга қўра, бу дастур умумий ҳисобда 3,7 триллион доллар

қийматдаги 2 минг 600 дан зиёд лойиҳани ўз ичига олади.

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 ва 2019 йилларда Хитой Халқ Республикасига амалга оширган давлат ташрифлари доирасида “Бир макон, бир йўл”нинг биринчи ва иккинчи халқаро форумларида иштирок этди, бу платформа ҳар бир давлатнинг ўз имкониятларидан тўла фойдаланиш, иқтисодий жиҳатдан бир-бирини тўлдирish, савдо ва инвестицияларни рағбатлантириш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишини алоҳида таъкидлаган эди.

Шу жиҳатдан олганда, иккинчи форум доирасидаги учрашув чоғида Хитой раҳбари Президент Шавкат Мирзиёевни “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг асосчиларидан бири деб атаб, Ўзбекистоннинг форумдаги иштирокига эътибори эса икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг юқори

даражада эканини кўрсатади, деган фикрлари ёдга келади ва бундай юксак эътироф юртдошларимизда фахр уйғотади.

Бу мамлакатларимизнинг кўп қиррали ва кенг қўламли иқтисодий алоқаларни мисолида яққол кўзга ташланади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда Хитой инвестициялари ҳажми беш баробар, қўшма корхоналар сони уч баробар кўпайди. Жорий йил бошидан буён ўзаро савдо ҳажми 36 фоизга ошди. Йил якунигача ушбу курсаткич 10 миллиард доллардан ошди, товар айирбошлаш ҳажми яқин беш йилда 20 миллиард долларга етиши кутуляпти.

Давлатимиз раҳбари 18 октябрь куни “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумининг очилиш маросимида ҳамда “Инсон ва табиат уйғунлиги йўлида “Яшил ипак йўли”ни биргаликда барпо этиш” мавзусидаги ялпи йиғилишда иштирок этди. Бу Хитойнинг ҳар томонлама стратегик шериги сифатида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб мазкур ташаббусини қўллаб-қувватлаган ва унинг асосий мақсад ва вазифаларини янада илгари суришнинг қатъий тарафдори эканини намоян эди.

Президентимиз “Яшил ипак йўли” ташаббуси моҳият эътибори билан



умумий “яшил” келажак кун тартибини шакллантиришни таъкидлади. Марказий Осиёда иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт ва энергетика соҳаларида барқарор инфратузилмани яратиш, “яшил” sanoat қувватларини ишга тушириш, камбағалликни қисқартириш ва “ақли” кишлоқ ҳужалигини ривожлантириш

чоралари ва лойиҳаларини ўз ичига олган “Яшил” тараққиёт дастурини ишлаб чиқиш тақлиф этилди. Яшил молиялаштириш жамғармасининг таъсис этилиши эса, кам углеродли иқтисодиёт ва “тоза” технологияларни ривожлантириш, шунингдек, минтақа мамлакатларида юқори экологик стандартларни жорий этиш учун молиявий ресурсларни сафарбар қилишнинг таъсирчан воситасига айланади.

Яна бир муҳим жиҳат, “Яшил” тараққиёт ва экология соҳаси учун маълум кадрлар танқислиги ортиб бораётганини ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбари Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетини негизда етакчи хорижий олийгоҳлар ва таълим марказлари билан ҳамкорликда “Яшил” тараққиёт ва экология соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва академик алмашувни ривожлантириш бўйича қўшма дастур ишлаб чиқишни илгари сурди.

Табиийки, бу дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида нанки мамлакатимиз олимлари, балки “Бир макон, бир йўл”да иштирок этаётган давлатлар эксперт-мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари инobatга олинади.

Президентимизнинг нутқида илгари сурилган 8 та ташаббуснинг ҳар бири бугунги давр кун тартибидagi энг муҳим ҳисобланган “яшил” тараққиёт масалалари билан боғлиқ. Унда айтилганидай, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида “яшил” маданиятни ривожлантириш бўйича Глобал дастурни ишга тушириши ва унда этно-экологик фестиваллар, форумлар, мамлакатларимиздаги таниқли жамоат арбоблари, фан, бизнес ва маданият намояндалари иштирокида тақдимотлар ва тадбирларни ўтказиш бўйича анъанавий кадрларни қарор топтиришдан туриб, “яшил” тараққиётга ўтиш мумкин эмас.

Илгари сурилган тақлифларнинг ижроси эса, саяё-ҳаракатларимизни бирлаштирган ва кучайтирган ҳолда, инсониятнинг “яшил” келажаги учун мустақкам пойдевор яратишга хизмат қилади.



МУЛОҲАЗА

ФУТБОЛ ЗАВҚИ
АТРОФИДА БИРЛАШИШ
ТАШАББУСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 13 октябрь куни Бишкек шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.



Дамир ИСМАГИЛОВ,
Ўзбекистон давлат
жисмоний тарбия ва
спорт университетининг футбол
факультети декани,
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (РФД),
доцент

Биз, ёшлар мураббийлари учун муҳим жиҳат шундаки, давлатимиз раҳбари дунёвий ва минтақавий нутқларида ҳар доим ёшлар тақдир ва ҳаётига кенг жамоатчилик диққат-эътиборини қаратиб келади.

МДҲ саммитида ҳам шундай бўлди. Ёшлар сиёсати соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масаласи, айниқса, долзарб аҳамиятга эгалигини таъкидлаган давлатимиз раҳбари: “Биз янги қўшма лойиҳамиз доирасида келгуси йилда “Ҳамдўстликнинг ёшлар пойтахти” деб эълон қилинган Тошкент шаҳрида тадбирларга бой дастурни тайёрлашимиз. Шунингдек, “Ҳамдўстлик кубоги” футбол турнирини қайта тиклаш ва ёшларимиз жамоалари ўртасида навбатдаги учрашувларни Ўзбекистонда ўтказишни тақлиф қиламан”, дея навбатдаги ташаббусни илгари сурди.

Бу тақлиф МДҲ давлат раҳбарлари, қолаверса, ташкилот маконидан яшаётган аҳоли, ёшлар ва футбол мухлислари томонидан илқ кутиб олинганга шубҳа йўқ. Боиси, бир-бирининг сарҳадлари оша тутаётган давлатларимиз халқи азалдан спортга ошно бўлиб келган. Жисмоний баркамоллик қадрият сифатида улуғланган.

Бугун ҳам шундай. Айниқса, таҳликага тўлиб бораётган дунёвий муносабатларнинг азиятли шароитида ҳамжихатлик ва бирдамлик руҳига катта эҳтиж сезилмоқда. Бундай вазиятда инсонларни ҳамма учун бирдек қизқарли спорт — футбол завқи атрофида бириштириш ташаббуси ғоят муҳим ва қувонарли, албатта.

Президентимизнинг бу ташаббуси бизга зўр мотивация бергани ҳолда янги юлғули марралар сари интилиш ҳиссини бағишлади. Ўз навбатида, ҳаёлимиздан баъзи мулоҳазалар ҳам ўтди.

Кейинги йилларда мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар самарасида янги жамият қуришга эришдик. Юртимизда янгича жамоавий бирдамлик муҳити пайдо бўла бошлади. Бу манзара таъсирини футбол мисолида ҳам кўриш мумкин.

Яқин-қўнганча бизда жамоавий спорт турлари яхши ривожланмай келди. Бунга қатор оғрикли сабаблар бўлган. Айтайлик, тизимда коррупция авж олган, таниш-билишлик, худбинлик ҳисси жўш уриб турган, селекция механизми номигагина ишлаган, жамоани шакллантириш учун моддий-техник база таъминоти ноҳор кўринишда эди. Шу ва шу каби қатор омиллар жамоавий спорт турлари, хусусан, футболимизни ривожига жиддий тўсиқ бўлиб келди.

Аста-секин футболимиз ички ва ташқи киффаси ҳам ўзгариб бормоқда. Ёш футболчиларимиз жамоаларида бирдамлик ва ҳамжихатлик руҳи шаклланиши гувоҳи бўлиб турибмиз. Бунини улар эришаётган ғалабаларда ҳам кўришимиз мумкин.

Боиси, давлатимизнинг ўзи футболни ривожлантириш ва ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириш борасида қайғуриб келмоқда.

Ўтган тўрт йилда Президентнинг футболни ривожлантиришга доир иккита қарори қабул қилинди. Биринчиси, 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мулоқо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, иккинчиси, 2023 йил 7 апрелдаги “Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлардир.

Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, мураббий ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, мураббий ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ўтган тўрт йилда Президентнинг футболни ривожлантиришга доир иккита қарори қабул қилинди. Биринчиси, 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мулоқо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, иккинчиси, 2023 йил 7 апрелдаги “Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлардир.

Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, мураббий ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ўтган тўрт йилда Президентнинг футболни ривожлантиришга доир иккита қарори қабул қилинди. Биринчиси, 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мулоқо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, иккинчиси, 2023 йил 7 апрелдаги “Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлардир.

Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, мураббий ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, мураббий ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, мураббий ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, мураббий ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, мураббий ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, мураббий ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, мураббий ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, мураббий ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

ЎЗБЕКИСТОН 2030 СТРАТЕГИЯСИ

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИ



Азамат МУХТОРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Замонавий ижтимоий давлат ва хорижий тажриба

“Ижтимоий давлат” тушунчаси ilk бор 1850 йилда Лоренс фон Штейн томонидан қўлланилган. У давлатнинг вазифаси ижтимоий тенглик ва шахсий эркинликни ўрнатилиш, қуйи ва кам таъминланган табақаларни бойлар ва қудратлилар даражасига кўтаришдан ibорат, деб ҳисоблаган.

Ҳозирги замон таърибасига кўра, Европа мамлакатларида ижтимоий давлат госяи турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган. Хусусан, Германияда унинг ижтимоий давлат экани Конституция даражасида белгиланган. Шунингдек, ижтимоий давлатнинг Скандинавия ва континентал моделлари ҳам мавжуд бўлиб, бунда давлатлар ўз фуқароларининг ижтимоий фаровонлиги, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига, болалар ва ёшларга, кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун масъул бўлади.

Умуман олганда, ижтимоий давлатда меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсоннинг бандлиги таъминланади. Унинг нуносиб ҳаёт кечирishi учун етарли микдордаги иш ҳақи белгиланади, ишчи учун хавфсиз меҳнат шaroитлари яратилади, ишсизликдан ҳимояланиш, сифатли таълим, малакали тиббий хизмат олиш ҳуқуқлари реал амалга оширилади. Болалар, аёллар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, мигрантлар ва уларнинг oila аъзолари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Мутахассислар хорижий давлатлар ижтимоий сиёсатининг таҳлили натижасида ижтимоий давлатни учта — Скандинавия, Континентал, Америка-Буюк Британия моделларига ажратлади.

Швеция, Финляндия, Дания, Норвегия Скандинавия моделини ўзига намoён қилади. Бу мамлакатларда давлат бюджетни қайта тақсимлаш орқали ижтимоий харажатларнинг анчагина қисмини ўз бўйнига олади. Мазкур давлатлар фуқароларининг ижтимоий фаровонлиги, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари, болалар ва ёшлар, кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун масъул бўлади. Бу фаолият давлат бюжети ва ижтимоий сўғурта жамғармалари томонидан



молиялаштирилади. Бу ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш асосан, муниципалитетлар, яъни маҳаллий бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

Германия, Австрия, Бельгия ва Францияда ижтимоий давлатнинг континентал модели юқори даражада ривожланган. Бу мамлакатларда давлат, асосан, аҳолининг муҳтож қисмига ижтимоий ёрдам пулларини беришга масъул. Лекин давлат аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмайди. Ижтимоий харажатлар давлат ва хусусий ижтимоий сўғурта жамғармалари томонидан қопланади. Яъни ижтимоий таъминот бюжетадан ажратиладиган маблағ ҳамда иш берувчи ва ходимларнинг сўғурта бадалларидан таъминланади. Шундай қилиб, Скандинавия, континентал, Америка-Буюк Британия моделлари бўйича ижтимоий, либерал давлатларда давлат томонидан ижтимоий харажатларга минимал маблағ ажратилади, бир вақтнинг ўзига ижтимоий ёрдамга муҳтожлар ҳар томонлама ўрганилади. Бажарилган иш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш натижасида олинadиган ҳар томонлама кафолатланган даромад фуқароларнинг ижтимоий фаровонлигини таъминлашининг асосий манбаи ҳисобланади.

Ижтимоий давлатнинг социал-демократик тури Скандинавия таъминоти мoс келади. Бунда моддий неъматларни аҳоли орасида қайта тақсимлаш ва ижтимоий эҳтиёжга зарур харажатларда давлатнинг устуңлиги мавжуд. Ушбу жараён давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан кучли жамоатчилик назорати асосида кузатилади. Шунингдек, жараённинг бoриши, самарадорлигини аниқлаш, вужудга келадиган муаммоларни вақтида қайд этиб, зарур қарорлар қабул қилиш учун тизимли мониторинг ва таҳлил қилиб бoришининг мустақил тизими йўлга қўйилган.

Ижтимоий давлатчилик Осие давлатларида — Япония, Жанубий Корея, Тайванд ва ривожланиб бoрмоқда.

Кафолатли устувор тизим

Сўнги йилларда мамлакатимизда кенг қўламли ислохотларнинг ақсарияти ижтимоий соҳага йўналтирилган. Хусусан, аҳолининг ижтимоий

ҳимояга муҳтож ҳамда эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларга давлат томонидан кафолатлар тизими орқали ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Одамларнинг фаровон ва ҳаётдан рози бўлиб турмуш кечирishi учун нуносиб шарoит яратиш, бандлигини таъминлаш ва даромаднинг ошириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, турмуш шарoити ва сифати жиҳатидан табақаланишга йўл қўймаслик каби масалаларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим бериш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни, мигрантлар ва уларнинг oila аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида. Давлат бюжетининг асосий қисми айнан шу каби масалаларга йўналтирилатгани ҳам фикримизнинг амалий тасдиғидир.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож oilалар, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш учун жорий этилган “Темир дастар”, “Аёллар дастари”, “Ёшлар дастари” ва “Маҳаллабай” ишлаш тизими ҳам ижтимоий давлатнинг моҳиятини ва ҳаётий кўринишини намoён этмоқда.

Жорий йил 11 сентябрда Президентимиз фармони билан Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган таъриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланди. Барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берadиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қўлай экологик шарoитлар яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш, мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш унинг асосий госялари ҳисобланади.

Мазкур 5 та гося орасида жами 100 та мақсад амалга оширилади. Уларнинг ақсари қисми ижтимоий давлат таъминоти билан узвий боғлиқ. Бу ҳайрли ишлар “Авалл — инсон, кейин — жамият

ва давлат” эзгу госясини рўёбга чиқариш, халқимизни рози қилиш, эркин ва фаровон жамият барпо этишда муҳим омили бўлади.

Демак, ижтимоий давлат ижтимоий соҳага жуда катта эътибор қаратадиган, фуқаролар тенглиги, турли табақаларга ажралишига йўл қўймайдиган, умумфаровонлик таъминланган жамият йиғиндиси. Шу боис, янги таҳрирдаги Конституцияда “Ўзбекистон — бошқаруving республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” деб белгиланиши инсон қадрига эътиборнинг қонуний мустаҳкамланганининг яққол мисолидир.

Бoш мақсадимиз Ватанимизни эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолат, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият принциплари ҳукмронлик қилadиган, Конституция ва қонунлар устуворлиги сўзсиз таъминланган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган ва барча аҳоли қатлами учун нуносиб ҳаёт шарoити яратилган, кучли “ҳуқуқий-ижтимоий давлат” сифатида ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиши йўлида хизмат қилadиган иборатдир. Яқин истиқболда ҳам аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бoриш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, яъни гендер тенгликни таъминлаш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илим-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш асосий ўрин тутadi.

Зеро, ҳаёт — ҳамisha ҳаракатда. Жамият доимо олиндаги интилаверар экан, у билан бирга онг ҳам тинимсиз ўзгариб, ривожланиб бoраверади. Ҳар бир ислохот негизида эса инсон манфаатлари ётади. Шундай экан, ўзгаришлар моҳияти ҳам шахс, унинг манфаатлари билан бевосита боғлиқ, ислохотлар масъулияти ҳам бевосита фуқаро зиммасига тушади. Демак, кучли ижтимоий ҳимоя доимо янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналтирилган негизи бўлиб қолади.

ХАЛҚАРО ФОРУМ

Сентоб —

ЖАҲОН ТУРИЗМ ҚИШЛОҚЛАРИ РЎЙХАТИДА



Бошланиш 1-бетда

Туризм қишлоқларини ташкил этиш юртимиз сайёҳлик соҳасида янги йўналишдир. Мамлакатимизда сўнги йилларда туризмни ривожлантириш борасидаги ислохотлар жараёнида бу борада салоҳияти юқори бўлган фуқаролар йиғинларига туризм маҳалласи, туризм қишлоғи ва туризм овули мақомини бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш механизми жорий қилинди.

Республикамизда биринчи бўлиб Самарқанд тумани Кониғил қишлоғида 52 та хунармандлик ва дам олиш маскани мавжуд бўлган туризм қишлоғи ташкил этилиб ва 200 нафардан ортқ маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

2022 йилда Навоий вилоятининг Нурота туманида Сентоб ҳамда Тoшкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Эртoшсой ва Овжасзой қишлоқларига туризм қишлоғи мақоми берилди. Ушбу қишлоқларда 90 та oilавий меҳмон уйи, 20 турдаги хизматлар ташкил этилиши натижасида 400 га яқин қишлоқ аҳолиси бандлиги таъминланди.

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳридаги Лашкарак, Паркент туманидаги Қумушқон, Шахрисабз туманидаги Филон, Бойсун туманидаги Омонхонга туризм қишлоғи мақоми бериш чоралари кўрилоқда.

Ушбу нуфузли халқаро танловда иштирок этган дунёнинг турли ҳудудларидаги туризм қишлоқлари қаторида Навоий вилояти Нурота туманидаги Сентоб қишлоғи ҳам совриндорлар сафидан жой олди. Албатта, бундай нуфузли мақомга эришиш ўз-ўзидан бўлмади. Бунинг учун сўнги йилларда қишлоқда инфратузилмани яхшилаш ва сайёҳларни жалб этиш учун кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, бу мақомга эришиш учун қишлоқнинг ўзига хос табиий ва тарихий салоҳияти ҳам муҳим омил бўлди ва Сентоб UNWTOнинг туризм қишлоқлари рўйхатига киритилди.

Сентоб туман марказидан 120 километр, вилоят марказидан эса 180 километр узоқликда, Нурота тоғ тизмалари орасида жойлашган қишлоқ бўлиб, бу ҳудудда табиий қўл, зардуштийлик динига оид қадимий ибодатхона, бир қатор маданий мерос объектлари, қадимий қалъалар, тошларга уйиб ишланган петроглифлар бор. Шунингдек, қишлоқ аҳолининг ўзбекона урф-одат, анъаналари, турмуш тарзи сайёҳларни жалб этади. Тарих ва замонавийлик уйғунлашган бу манзилни ўз кўзи билан кўриш учун қишлоққа дунёнинг ҳар бурчагидан келадиган сайёҳлар оқими тинмайди.

Ўз навбатида, сайёҳларга қўнғилли дам олиши, тарихий ва табиат обидалари билан

яқиндан танишиш учун замонавий шарoитлар ҳам зарур. Шу мақсадда қишлоққа элтувчи 5 километр ички йўл таъмирланди. Қўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Пиёдалар кўприги, расмга тушиш ҳудуди, санитария-гигиена масканлари, қаншлоқнинг рамиий кириш дарвозаси, ахборот маркази, қадимий қўрган қолдиқларига чиқиш учун махсус тоғ зонаси барпо этилди.

Натижада хорижий сайёҳлар оқими тўрт баробар ошди. Қишлоққа бир кунда ўртача 300, бир йилда 44 минг хорижий сайёҳ келяпти. Маҳаллий сайёҳлар сони саксон мингдан ошди. Сайёҳлар оқинларини қишлоқда 1 кун қолган бўлса, инфратузилма яхшиланиши, яратилган қўлайликлар ҳисобига бу муддат 3 кунга узайди.

Ҳозир қишлоқда 3 та ҳoстел, 20 та oilавий меҳмон уйи ҳамда 15 турдаги туризм хизматлари ташкил этилган. Хонадонларда мавжуд салоҳиятлардан фойдаланган ҳолда 5 турдаги туризм хизмати (эшакда сайр, уй-музей, гастротуризм, гид, нон ёпиш бўйича маҳорат дarsi) ташкил этилган. Қишлоқнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилувчи буклет, флаер, видеороликлар тайёрланмоқда.

— Қишлоғимиз аҳли азалдан чорвачилик, боғдорчилик, деҳқончилик билан шуғулланган, — дейди “Сентоб” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мурод Мирзаев. — Бугунги кунда туризм фаолияти ҳам қўшилди ва қисқа даврда бу соҳа аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш учун катта имконият экани намoён бўлди. Ҳозир қишлоғимиздаги 2300 аҳолининг ақсарияти янги барпо этиладиган oilавий меҳмон уйлари ва туризм хизматлари кўрсатиш тармоқларида ишлаяпти. Хорижга кетган мигрантларимиз ҳам юртимизга қайтиб, ишлаб топган даромадига oilавий меҳмон уйи ёки бошқа турдаги туризм хизмати кўрсатиши



йўлга қўйиб, ўзи ва oila аъзолари бандлигини таъминлашга ҳисса қўшяпти. Қишлоғимизнинг сайёҳлик салоҳияти халқаро миқёсда эътироф этилиши бу йўналишдаги ишларимизни ривожига туртки бўлади. Бу имкониятдан умумли фойдаланиб, юртимизнинг туризм салоҳиятини янада юксалтиришга ўз улушимизни қўшамиз.

Халқаро форумда, шунингдек, дунёнинг турли мамлакатларидан таширф бўлган туризм қишлоқлари вакиллари ҳам иштирок этди. Улардан баъзиларининг маъмур форум ҳақидаги таассуротлари билан қизиқдик.



Рафиқ АРИСТА (Мексика):
— Биз Мексиканинг Омитлан қишлоғидамиз. Омитлан ҳам туризм қишлоғи. Бу мақом бизга ўзига хос тарихий ва табиий салоҳиятимиз туфайли берилган. Шу билан бирга, сайёҳларни жалб қилиш бўйича доимий иш олиб бoрамиз. Ўзбекистонга биринчи келишим. Мамлакатнинг тарихий обидалари, гузал табиий ҳудудлари ҳақида эшит-

Ҳелдер СИЛВА (Португалия):
— Ўзбекистон туризм соҳаси жадал ривожланadиган дунёдаги етакчи давлатлар сафидан жой олди. Мен сизларни бу катта ютуқ билан табриқлайман. Албатта, бугунги глобаллашув дaврида бундай натижага эришиш оson бўлмайди. Бунинг учун катъий ҳаракат қилиш керак. Қолаверса, сайёҳларни жалб қилиш учун ўзига хос инфратузилма талаб этилади. Ўзбекистонда бу борада кўп ишлар

ганман. Энди уларни ўз кўзим билан кўриш, юртингиз бўйлаб саёҳат қилиш ниятидаман. Аинқиса, тутая сайр қилиш ниятим бор. Халқаро форумдан шуни билдимки, бугун Ўзбекистон бўйлаб бундай саёҳатларга чиқиш учун барча шарoитлар яратилган.

Юртингизда туризм қишлоқлари ҳам бор экан. Имкон топиб, уларга ҳам бoрамиз. Умуман, туризм соҳасида таъриба алмашиш ва ўзаро борди-келдиларни ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз.

Бажарилган. Самарқанд бўйлаб сайр қилинса, қанчалик муҳим ишлар қилингани аққол кўзга ташланади. Энг муҳими, юртингиз эшиклари дунёга катта очилиб, сайёҳлар учун барча имкониятлар яратилди. Албатта, қисқа йиллар ичида тупланган бу таъриба эътирофга лойиқ. Қолаверса, бугун туризм соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш ҳар бир инвестор ва тадбиркор учун иқтисодий ривожланишга имкон яратadi. Шу боис, биз ҳам ҳамкорлик йўлларини излаяпмиз.

Баҳор ХИДИРОВА, Дилшод УЛУГМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбирлари

7+2 ТАММОЙИЛИ

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДАГИ

Қаҳрамон ҚУРНОБОВ, сийсий фанлар доктори, профессор

Бошланиши 1-бетада

Очиқ танлов асосида 42 минг 538 ёш орасидан ҳар бир маҳаллага жами 9440 нафар ёшлар етакчиси танлаб олинди. Етакчилар 5 мартаба онлайн ва 2 мартаба каскад усулида малакали мутахассислар томонидан ўқитилди, хизмат фаолиятига доир 16 та услубий қўлланма билан таъминланди.

Маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилгани ёш авлод муаммоларини бевосита қўйи тизимда ҳал этиш имконини берди ҳамда ўтган қарий икки йил мобайнида сезиларли натижаларга эришилди.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИНГ ЕТТИТА УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Ёшлар етакчиси зиммасига еттита устувор вазифа юкланган бўлиб, уларни бажариш билим, шижоат ва етакчилик қобилиятини талаб этади. Шу ўринда мазкур етти йўналишдаги вазибаларнинг амалдаги ижроси, эришилган натижалар таҳлилига тўхталсак.

БИРИНЧИ ВАЗИФА:

давлатнинг ғамхўрлиги ва эътиборини кутаётган ҳамда кўмакка муҳтож ёшлар билан ишлаш

Жорий йил 11 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида ёшлар билан ишлашнинг янги тизимини жорий этиш борасидаги долзарб вазибаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг ижтимоий аҳволи, қобилияти ва кизиқликлари ўрганилиб, улар билан олиб борилаётган ишларни янги асосда, тизимли ташкил этиш юзасидан топшириқлар берилган эди.

Шулардан келиб чиқиб, ёшлар баланси шакллантирилди. Унга кўра, янги ўқиётган, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишга муҳтож ёшларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш масалалари, айниқса, долзарб бўлиб қолмоқда.

Буларни ҳал этиш мақсадида республика комиссияси томонидан ҳар бир маҳаллада "фўқаробай" тасдиқланган Ёшлар бандлиги дастури амалга оширилиб, ижро ҳолати кўнлик таҳлил қилиб борилмоқда.

Шу йилнинг 2 октябры ҳолатига кўра, Ёшлар бандлиги дастури доирасида 273 минг 382 ишсиз ёшнинг 189 минг 614 нафари (69 фоиз) бандлиги таъминланди. Уларнинг 72,5 минг нафари доимий иш ўрнига, 9,3 минг нафари эса тадбиркорлик лойиҳалари ҳисобига яратилган янги иш ўринларига жойлаштирилди, 29,8 минг нафари касб-хунарга ўқитилди, 17,6 минг нафарига деҳқончилик учун 7,2 минг гектар экин майдони, 21,3 минг нафарига тадбиркорлик учун 412 миллиард сўм кредит ажратилди, ижтимоий кўмакка муҳтож 12,4 минг ёшга субсидия асосида 108 миллиард сўмлик меҳнат қуроллари берилиб, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашилди.

Шунингдек, республика комиссияси томонидан мактаб битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Жорий йилда 381 минг 591 ўқувчи мактабни тугатиб, 155 минг 372 нафари олий таълимга қабул қилинди, 30 минг 824 нафари профессионал таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришни режалаштирган.



Хусусан, ишсиз 46 мингдан ортиқ йигит-қизнинг бандлиги таъминланди, ижтимоий ҳимояга муҳтож 28 минг 382 ёшга моддий ёрдам берилди, бемор ва ногиронлиги бўлган 28 минг 920 ёш даволатилди, 65 минг 469 нафарнинг турли ижтимоий-иқтисодий масалаларига ечим топилди. Бундай инсонпарварлик амалиёти кўпгина раҳбарларни тинимсиз ишлашга, ўз ҳаловатидан кечиб бўлса ҳам ёш авлодга ғамхўрлик қилишга ундади. Шу тариқа, лойиҳа яши самара берди. Хусусан, ёшлар етакчиси ва бириктирилган масъул раҳбар кафилиги остида хулқ-атвори ижобий томонга ўзгарган, пробаця 2924 нафар (21 фоиз) ҳамда профилактика назоратида турувчи 8321 нафар (38 фоиз) ёш муддатидан олдин ҳисобдан чиқарилди. Ажрашиш ёқасидаги 3455 (47 фоиз) оила сақлаб қолинди.

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш бўйича республика комиссияси томонидан 208 та туман (шаҳар), 832 та сектор, 9440 та маҳаллада ёшлар билан ишлаш ҳолати бирма-бир ўрганилди. Таҳлилларга кўра, Хоразм, Андижон, Сурхондарё вилоятларида ижобий натижалар қайд этилган бўлса, Жиззах ва Навоий вилоятларида "оғир" тоифадаги 11 фоиз йигит-қизнинг муаммолари ҳал этилмаган.

Мавжуд муаммолар масъул раҳбарлар иштирокида танқидий муҳокама этилиб, ҳоқимларнинг ёшлар бўйича ўринбосарларидан 4 нафари, Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлимлари раҳбарларидан 6 нафари, 24 нафар ёшлар етакчиси билан тўзилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Шунингдек, муаммоси ҳал этилмаган, "оғир" тоифадаги 9667 нафар (5 фоиз) ёш билан жорий йилнинг 1 декабрга қадар тўлиқ ишлаб, уларга кўмаклашиш бўйича вазибалар белгилаб олинди.

2024 йилнинг январь ойида 9440 маҳаллада янгидан хатлов ишлари амалга оширилди ва "оғир" тоифадаги ёшлар аниқлашиб, улар билан индивидуал ишлар олиб борилади.

ИККИНЧИ ВАЗИФА:

ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ўргатиш

Бугунги кунда янги иш ўринларини яратиш, аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишга муҳтож ёшларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш масалалари, айниқса, долзарб бўлиб қолмоқда.

Буларни ҳал этиш мақсадида республика комиссияси томонидан ҳар бир маҳаллада "фўқаробай" тасдиқланган Ёшлар бандлиги дастури амалга оширилиб, ижро ҳолати кўнлик таҳлил қилиб борилмоқда.

Шу йилнинг 2 октябры ҳолатига кўра, Ёшлар бандлиги дастури доирасида 273 минг 382 ишсиз ёшнинг 189 минг 614 нафари (69 фоиз) бандлиги таъминланди. Уларнинг 72,5 минг нафари доимий иш ўрнига, 9,3 минг нафари эса тадбиркорлик лойиҳалари ҳисобига яратилган янги иш ўринларига жойлаштирилди, 29,8 минг нафари касб-хунарга ўқитилди, 17,6 минг нафарига деҳқончилик учун 7,2 минг гектар экин майдони, 21,3 минг нафарига тадбиркорлик учун 412 миллиард сўм кредит ажратилди, ижтимоий кўмакка муҳтож 12,4 минг ёшга субсидия асосида 108 миллиард сўмлик меҳнат қуроллари берилиб, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашилди.

Шунингдек, республика комиссияси томонидан мактаб битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Жорий йилда 381 минг 591 ўқувчи мактабни тугатиб, 155 минг 372 нафари олий таълимга қабул қилинди, 30 минг 824 нафари профессионал таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришни режалаштирган.



Меҳнат бозорига кириб келган 195 минг 395 мактаб битирувчиси бандлигини таъминлаш бўйича маҳалла — сектор — туман — вилоят кесимида манзилли тармок режаси тасдиқлиниб, 185 минг 159 нафарнинг (95 фоиз) бандлиги таъминланди.

Уларнинг 57 минг 105 нафари доимий, 10 минг 366 нафари янги яратилган иш ўринларига жойлаштирилди, 36 минг 837 нафари касб-хунарга ўқитилди, 3030 нафарига субсидия асосида меҳнат қуроли берилди, 5370 нафарига деҳқончилик учун экин майдони, 3699 нафарига тадбиркорлик учун кредит ажратилди, 43 минг 339 нафари хунарамандликка жалб этилди, 25 минг 413 нафари хусусий олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Республика комиссияси йиғилишида масъул раҳбарлар иштирокида бу борада йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилиниб, йил якунига қадар ишсиз 83 минг 768 ёш ва 10 минг 236 мактаб битирувчиси бандлигини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.



ТЎРТИНЧИ ВАЗИФА: ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш

Бугунги кунда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни маданият, санъат ва спортга кенг жалб қилиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармонда белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий этилган 5 босқичли (маҳалла — сектор — туман — ҳудуд — республика) "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида ёшлар маданият, санъат, спорт, китобхонлик, IT йўналишлари бўйича 14 дан ортиқ танлов ва мусобақада иштирок этиб келмоқда.

Бу эса ёшларни оммавий спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва бошқа маъданий-маърифий тадбирларни самарали ташкиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

2022 йилдан бугунги кунгача "Беш ташаббус олимпиадаси"да 11,4 миллион йигит-қиз иштирок этиди. Жорий йилда илк мавсумнинг биринчи босқичи доирасида маҳалла ёшлари ўртасида ўтказилган танлов ва оммавий спорт мусобақаларида 9440 маҳалладан жами 4,2 миллиондан ортиқ (1 миллион 559 минг нафари қиз) ёш қатнашди. Жумладан, сектор босқичида (832 та сектор) 811 минг, туман (шаҳар) босқичида (208 та туман (шаҳар)) 212 минг, ҳудудий босқичида 24 минг, республика босқичида 7434 йигит-қизнинг иштироки таъминланди.

"Беш ташаббус олимпиадаси" биринчи мавсуми доирасида мактаб ўқитувчилари ўртасида "Соғлом танда — сифатли таълим" шиори остида Касаба уюшмаси кубоги учун мини футбол, волейбол, шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича уч босқичли (мактаблараро, туман (шаҳар)лараро ва ҳудудий босқич) мусобақалар ўтказилди. Уларда 10 минг 104 умумтаълим мактабидан жами 211 минг ўқитувчи (110 минг нафари хотин-қиз) иштирок этиди.

Биринчи мавсум республика босқичида ғолибликни қўлга киритган 816 ёшга 3,5 миллиард сўмлик мукофотлар берилди.

Ёшлар сийсати ва спорт вазирлиги томонидан "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида ўтказилган спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган 288 йигит-қиз яшовчи маҳаллаларга 1 тадан спорт майдончаси қуриб берилиши белгиланди. Шу ўринда 2022 йилнинг биринчи

мавсумида ғолиб бўлган ёшлар маҳаллаларида 279 та, иккинчи мавсумда 344 та спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

"Беш ташаббус олимпиадаси"нинг навбатдаги иккинчи мавсумини жорий йилнинг сентябрь-декабрь ойларида ўтказиш режалаштирилган.

Бугунги кунга қадар мазкур тадбир доирасида ўтказилган 14 та танлов ва мусобақада иштирок этиш учун 5shabbus.uz сайти орқали жами 7 миллиондан ортиқ йигит-қиз рўйхатдан ўтган.

Мазкур ўзига хос "кичик олимпиада" доирасида "Миллий ва замонавий чолғу ижрочилиги" танлови, кураш, волейбол, гимнастрада спорт мусобақалари, "Заковат" интеллектуал ўйини ва "Ёш китобхон" танлови ўтказилди.

"Беш ташаббус олимпиадаси"нинг иккинчи мавсумида илк бор умумтаълим мактаблари, профессор-академик таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида турт босқичда (мактаб, туман (шаҳар), ҳудудий ва республика) мусобақа ва танловлар бўлиб ўтади. Олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги "Беш ташаббус олимпиадаси" финал босқичини жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган "Ёшлар ойлги" доирасида ўтказиш режалаштирилмоқда.

30 июнь мамлакатимизда Ёшлар куни сифатида нишонланади. Ёшларга оид илҳомий давлат сийсати соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар ва хайрли ишларни ёшлар орасида тарғиб қилиш мақсадида мазкур сана муносабати билан июнь ойи юртимизда "Ёшлар ойлги" деб эълон қилинди. Ойлик доирасида барча ҳудудларда "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остида фестиваллар ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши ҳам янги аънамага айланмоқда.

Жумладан, жорий йилда бу тадбирлар "Харбий-ватанпарварлик", "Интеллектуал ўйинлар", "Спорт-саломатлик", "Маданият, санъат ва туризм" ҳафталикларига бўлинган ҳолда ташкил этилди.

"Ёшлар ойлги" доирасида барча маҳалла, туман ва шаҳарларда ўтказилган 23 мингдан ортиқ турли лойиҳа, танлов, мусобақа ва гала-концертда жами 5 миллиондан ортиқ йигит-қиз иштирок этиди.

Маънавият-маърифат тарғибот гуруҳлари томонидан маҳаллаларда "Маърифат соати", "Миллий кадрлар", "Меҳр-мурувват ва саховат", "Сиз севган қаҳрамон", "Маърифат оқшомлари" лойиҳалари орқали 334 мингдан ортиқ йигит-қиз қамраб олинди.

Ёшлар куни муносабати билан республикамизнинг фаол ва ташаббускор ёш авлод вакилларида 38 нафарига "Келажак бунёдкори" медалли, 28 нафарига "Мард ўғлон" давлат мукофотлари топширилди.

БЕШИНЧИ ВАЗИФА:

хуқуқбузарликка мойил ёшлар билан тизимли ишлаш

Ёшлар етакчисининг муҳим вазибаларидан бири хуқуқбузарликка мойил ёшлар билан тизимли ишлашдир. Бугунги кунда ёшлар орасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликни жилавлалаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Ачинарлиси, жиноят содир этган шахсларнинг ҳар учинчисини ёшлар ташкил қилаётган бўлиб, жиноят қилишга ундайдиган сабаблар, ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини янада тақомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этади.

Жорий йил 28 июль куни ҳудудларда хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳолати ҳамда бу борадаги устувор вазибаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган топшириқлардан келиб чиқиб, маҳаллаларда ёшлар ва вояга етмаганлар жиноятчилигини жилавлалаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биринчидан, республика комиссиясининг шошилинч йиғилиши ўтказилиб, Ички ишлар вазирлигида ёшлар ва вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича марказий штаб, шунингдек, ҳар битта туман (шаҳар) ИИБда ҳудудий штаблар фаолияти йўлга қўйилди.



ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ



Иккинчидан, жиноятчилик кўрсаткичи юқори бўлган Чирчиқ шаҳрида 44 маҳалла бирма-бир ўрганилиб, бирламчи тажриба яратилди. Шундан келиб чиқиб, барча ҳудудлардаги ёшлар масаласига масъул раҳбарлар учун Куйи Чирчиқ туманида амалий семинар ўтказилди. Ҳуқуқ семинари давомида Зангиота туманидаги 24-колонияда жазо муқддатини ўтаётган маҳжум ёшлар билан масъул раҳбарларнинг юзма-юз мулоқотлари ташкил этилди. Колонияда жазо муқддатини ўтаётган вояга етмаганлардан 108 нафарининг жиноятлари келиб чиқиш негизлари таҳлил қилинди.

Учинчидан, Бош прокуратура, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда махсус ўқув модули ишлаб чиқилиб, Ички ишлар вазирлиги академиясида 180 тренер тайёрланди. Улар томонидан "маҳалла бешиги"нинг 47 минг 634 вакили каскад усулида ўқитилмоқда.

Шунингдек, маҳаллада ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича масъуллар билан ҳамкорликда ишлашга доир методик қўлланма ишлаб чиқилиб, 10 минг нусхада чоп этилди ҳамда маҳаллаларга етказилди.

Тўртинчидан, ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича "Қўқон шахри тажрибаси" асосида ҳар бир маҳалла кесимида "ёшлар жиноятчилиги баланси" шакллантирилиб, "ҳаракатлар режаси" ишлаб чиқилди.

Бу борадаги ишлар маҳаллаларда 5 та йўналишда ташкил этилаётган бўлиб, ҳар бир йўналиш ўзида босқичма-босқич амалга оширилиши керак бўлган тадбирлар мажмуини қамраб олган. Хусусан:

- жиноят содир этишга мойил бўлган ёшлар рўйхати шакллантирилиб, (шу жумладан, "оғир" тоифадаги ёшлар) улар билан индивидуал ишлаш;
- маиший муаммоси мавжуд ота-оналар (оилавий ақралишдаги ва нотинч оила фарзандларининг ота-оналари) билан алоҳида ишлаш;
- таълим муассасалари (мактаб, коллеж, техникум, олий ўқув юрти)даги девиант хулқ-атвори ёшлар билан индивидуал ишлаш;
- ҳар бир маҳаллада "кўча сардорлари" тизими орқали профилактик тадбирлар, ватанпарварлик ва спорт тадбирларига уюшмаган ёшлар вакиллари жалб қилиши;
- маҳаллалар ҳудудида жиноятчилик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жиноятчилик объектлари (ташландик бино-иншоотлар, тунги клуб ва бошқа) бўйича ишларни алоҳида ташкил этиш.

Жиноятга мойил ёшлар билан ишлашни тизимли ташкил этишда "Тошкент вилояти намунаси" асосида вилоятдаги тарбияси оғир 32 минг 868 ёш билан "фуқаробой" шугўллангани рақамлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Утган 8 ой давомида ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида содир этилган 23 минг 550 жиноят 5828 та маҳаллада ўтказилган танқидий йиғилишларда 23 минг 379 маротаба кенг жамоатчилик вакиллари билан муҳокама қилинди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ёшлар ўртасидаги жиноятчилик кўрсаткичлари жорий йилнинг сентябрь ойида август ойидангига нисбатан 18,6 фоиз камайишига эришилди.

ОЛТИНЧИ ВАЗИФА:
истеъдодли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишига қўмаклашиш

Бугунги глобаллашув даври иқтидорли ёшлар қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишни ва бунинг учун янгича усул ҳамда воситалардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Шу боис, иқтидорли йигит-қизлар ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янада жаддаллаштириш, уларни илмий-техник фаолиятга кенг жалб қилиш, олис ҳудудларда истиқомат қилаётган ёшларнинг билим, кўникма ва малакасини ошириш, инновацион юғяларни амалиётга таътиб этиш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашишга қаратилган ишларни тизимли ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Хорижий тилларни ўрганишга қизиқишни ошириш мақсадида "Ибрат фарзандлари" лойиҳаси амалга оширилиб, бугунги кунга қадар 13 та хорижий тил бўйича 1400 дан ортқ видеодрас яратилди.

Лойиҳанинг "YouTube" платформасидаги обуначилари сони 375 мингга етди (жами кўрилган видеодраслар сони 15 миллион 600 минг маротаба). "Ibrat Academy" мобил иловаси эса қисқа муқддатда 267 минг фойдаланувчи томонидан юклаб олинди, уларнинг 95 фоизи фаол фойдаланувчилардир.

Шунингдек, "UzChess" лойиҳаси доирасида шахматни бепул, тез ва осон ўргатишга қаратилган 150 дан ортқ видеодраслик яратилди.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Тўдақул сув омбори ҳудудида 7,2 гектар майдонда Халқаро шахмат мактаби барпо этилди. Бу мактабда йил давомида 700 шахматчи ўқитилади ва 2,5 минг ёш турли интеллектуал тадбирлар орқали қамраб олинади.

Хорижда муваффақиятга эришган ёш ватандошлар тўғрисида "O'zbekistonlik" лойиҳаси доирасида АҚШ, Германия, Франция ва Нидерландияда суратга олинган 3 та фильм кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Ушбу йўналишдаги ишларни янада жонлантириш мақсадида кенг кўламли лойиҳа ва режарлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, электрон аудиокинолар яратиш ва видеомахсулотлар ишлаб чиқиш орқали ёшларнинг китобхонлик маданиятини



янада ошириш мақсадида "Мутулаа" лойиҳаси йўлга қўйилмоқда. Лойиҳа доирасида 2023 йил якунига қадар 100 дан ортқ электрон ва аудиокино ишлаб чиқилади. Жараёнга дубляж усталари, ёзувчи ва шoirлар ҳамда малакали мухтаassisлар жалб этилмоқда. 2025 йилга қадар лойиҳа асосида 1 миллиондан ортқ китобхон ёшни кашф этиш, фаол китобхонларни доимий рағбатлантириш тизими йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Утган йили "Жадидлар" рўкни остида 8 та китобдан иборат тўпلام 23 минг нусхада чоп этилиб, кутубхоналар ва таълим муассасаларига етказиб берилган эди.

Бу борадаги ишларни тизимли давом эттириш, Марказий Осиёдаги Биринчи Ренессанс даври қомуний олимларининг илмий ва маънавий меросини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида жорий йилда Хоразмий, Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Абу Наср Форобий, Беруний ва ибн Сино ҳақида "Уйғониш" рўкни остида 7 та китобдан иборат тўпلام 20 минг нусхада чоп этилди.

Китобларни барча таълим муассасалари, 205 та ахборот-кутубхона маркази, вазирлик, идора ва ташкилотлар кутубхоналарига етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.

Оммавий ҳаракатга айланиб бораётган "Заковат" интеллектуал йўлини ҳамда "Ёш китобхон" танлови миллионлаб ёшларни ўз атрофига бирлаштирмоқда.

Бугунги кунга қадар 10 минг 85 та умумтаълим мактабида (241 минг аъзо), 194 та Президент, ижод

ва ихтисослаштирилган таълим муассасасида (17,3 минг аъзо), 560 та профессионал таълим муассасасида (6,7 минг аъзо), 65 та академик лицейда (1,2 минг аъзо), 159 та олий таълим муассасасида (9,5 минг аъзо), 5600 та маҳаллада (67 минг аъзо) "Заковат" интеллектуал клуби тўғраклари ва уларнинг координаторлари фаолияти йўлга қўйилди.

2017 йилдан буйён ўтказиб келинаётган "Ёш китобхон" республика танлови орқали эса бугунги кунга қадар 4,3 миллиондан ортқ ёш қамраб олинди.

Ёшларнинг ижодий иқтидорини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2024 йил якунига қадар барча ҳудудларда босқичма-босқич "Креатив парк"лар фаолияти йўлга қўйилади.

"Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари" жамғармаси ташкил этилиб, Тикланиш ва тарққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилади.

Иқтидорли ёшларнинг ягона электрон базасини юритиш, жамғарма танловларида иштирок этадиган талабдорларнинг инновацион юғялари ва илмий-техник ишланмаларини саралаш, баҳолаш ва натижаларини эълон қилиб боришга мўлжалланган "Янги Ўзбекистон ёшлари ташаббуслари" электрон платформаси яратилади.

Тошкент шаҳридаги "Ёшлар ижод саройи" биносида "Креатив парк"нинг биринчи экспериментал майдони жорий йилнинг ноябрь ойида фаолиятини бошлайди.

ЕТТИНЧИ ВАЗИФА: хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш

Ташки миграциядаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва улар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича алоҳида электрон платформа яратилмоқда. Ушбу платформа орқали хорижий мамлакатлардаги барча мигрант ёшлар ўзларини ўйлантираётган муаммолар юзасидан тўғридан-тўғри муурожаат қилиши мумкин бўлади. Эътиборлиси, муурожаат этувчилар кўтарган масалалар ижроси юзасидан доимий мониторинг юритилади.

Ушбу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида "Йул харита"си ишлаб чиқилади. Бу эса хорижий давлатлардаги ватандош ёшларимизнинг муурожаатлари ўз вақтида ўрганилиб, муаммолари ҳал бўлишига замин яратаяди.

Бу борада Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси томонидан қатор ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда 13 давлатда ассоциациянинг

талаба-ёш билан учрашди. Мулоқотлар давомида 2 мингта муурожаат "Йул харитаси"га киритилиб, ижроси назоратга олинди. 5 минг нафарга яқин юртдошимизнинг муаммоси жойида ҳал этилди.

Ватандошлар билан мулоқотда уларнинг аксарияти ишлашга рухсатномасиз фаолият юритаётгани, меҳнат назоратчилиги бўйича етарли тушунчага эга эмаслиги аниқланди. Шу боис, улар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилди. Мутахассислар томонидан 6 мингта яқин ватандошимиз билан диний-маърифий мавзуларда суҳбатлар ўтказилди.

Фуқаролар томонидан кўтарилган масалалар юзасидан шу жойининг ўзида маҳаллий ҳокимликлар билан боғланилиб, ҳал этиш чоралари кўрилди. Натижада 82 фуқароларимизнинг Ўзбекистонга қайтишига қўмаклашилди. 24 талаба-ёшнинг ўқиш харажатлари қоплаб берилди.

Ишчи гуруҳининг Россиядаги ватандошларимиз билан учрашувлари давомида улар мамлакатимизда инсон қадрли, фуқароларимизнинг фаровон яшашини унчун юритилаётган сиёсатини юртимиздан олисда бўлса ҳам сезаётганини алоҳида таъкидлаб, бунинг учун миннатдорлик билдирди.

ИККИ БУРЧ: КИТОБХОНЛИК ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ БИЛИШ

Юқорида маҳалладаги ёшлар етакчиларининг асосий вазифа ва фаолият йўналишларига қисқача тўхталиб ўтдик. Айни пайтда уларнинг иккита муҳим бурчи борлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Булардан бири — ёшлар етакчиларининг китобхон бўлиши.

Ўрганишлар натижасига кўра, мунтазам китоб ўқийдиган шахсларда жамият ҳаётида фаол иштирок этишга интилиш ҳамда бошқаларни ҳам ўзи каби ташаббуслор бўлишга ундашга мойиллик юқори бўлади. Мутулаа билан банд ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари камайиши тенденцияси ҳам кузатилган.

2020 йил 14 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг "2020-2025 йилларда Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, китобхонлик маданиятини кенг ёйиш ва ёшларнинг китобга муҳаббатини оширишда ёшлар етакчилари ҳам ўзига хос ўрин тутаяди. Шундан келиб чиқиб, ёшлар етакчилари зиммасидаги бурчлардан бири ҳар ойда турли йўналишда камидта битта китоб ўқиш ва ўз китобхонлик маданиятини оширишдан иборат.

Шахс тасаввурини кенгайтириш, ижодий ва ноодатий фикрлашни ривожлантиришда, маданий ва ахлоқий савиясини юксалтиришда бадиий, илмий ва илмий-оммабоп адабиётларнинг ўрни беқиёс. Аникроги, мутулаа ёшлар етакчисининг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришда, оғзаки ва ёзма нутқини ўстириб, фикрларини илмий-амалий жиҳатдан асослаш малакалари шаклланишига хизмат қилади. Айниқса, уларда ёшларга намуна бўладиган китобхонлик маданияти шаклланади.

Етакчининг китобхон ва нотик бўлиши, ёшлар орасида фикрини эркин баён этиши маҳалла ёшларида ишончли, мотивацияни кучайтириб, турли соҳаларда юқори натижаларга эришишида муҳим туртки бўлади.

Ёшлар етакчисининг китоб мутулаа қилиш орқали маҳалладаги йигит-қизларни эргаштириш жараёни "Шахсий ўрнак ва намуна — энг яхши тарғибот" ширини остида ўтиши самарадорлик кўрсаткичининг янада ошмиради.

Ёшлар етакчиси зиммасидаги яна бир бурч — хорижий тилларни билиш.

Хорижий тилларни ўрганиш янги маданият, билим ва янги дўстлар билан танишиш, мулоқотга киришиш ҳамда дунёқарашини ўстиришда ёрдам берувчи энг яхши воситалардан бири. Айрим етакчилар қарор қабул қилиш, мустақил ташаббусларга қадам қўйишга қийналади, танқидий ва таҳлилий фикрлашда тўсиқлар мавжуд. Бундай ҳолатда уларнинг хорижий тилларни ўрганиши юқорида таъкидланган муаммоларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги пайтда чет тилини ўрганиш замонавий инсон учун ҳаёт талабига айланиб бормоқда. Тил ўрганиш истагидаги ёшлар сони ҳам йил сайин кўпаймоқда. Чунки тил ўрганиш дунёқарашини ривожлантирадиган, мантиқий фикрлашни, фикрни қисқа ва аниқ ифода этиш қобилиятини яхшилашга имкон берадиган ижодий фаолиятдир.

Ёшлар етакчисининг хорижий тилларни пухта ўрганиши эса жорий ва келгуси йил фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб, касбий ривожланиши ва ўсишига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири бўлиб қолади.

Жорий йил 26 сентябрь кўни Президентимиз раислигида маҳалладаги ишлаш тизимини янада кучайтириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳаллани жойлардаги муаммоларни чинакам ҳал қиладиган институтга айлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Уйлаймизки, бундай институтни шакллантиришда маҳалладаги ёшлар етакчилари муҳим функционал вазифани бажаради. Чунки улар зиммасига юклатилган мажбуриятлар келажакдаги эгалари бўлиши ҳамда тўғридан-тўғри дахлдор бўлиб, бу мамлакатимизнинг эртанги кўни барпо этиш билан тенг бўлган муҳим ижтимоий-сиёсий жараёндир.

НУҚТАИ НАЗАР

Юрт, ЭЪТИБОР, ҶУРУР

КАМОЛОТГА ИНТИЛГАН ЮРАККА ҚУВВАТ БЕРАДИ



Шавкат МАВЛОНОВ, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Фарзандларимизни нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий қўмак бериш, қийнаётган муаммоларига ечим топиш янги Ўзбекистон ёшлар сиёсатида мутлақо ўзига хос, янгича ёндашув бўлди. Илгари ёш авлодга эътибор фақат юртимиз доирасида чекланар, чет элда ишлаётган ёки ўқийдиган йигит-қизларга бегона кўз билан қараларди. Айни пайтга келиб, муайян саяё-ҳаракатлар туфайли хориждаги ўзбек фарзандлари ҳам Ватанга кучли руҳий боғлиқлик ҳис этиб, юрт равнақи учун ўзини дахлдор ва бурчли санаяпти.

Биргина мисол. Яқинда Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси делегациясининг Россия Федерациясида ўқийдиган ва ишлаётган ўзбекистонлик ёшлар билан учрашгани, муаммо ва ташвишларига ечим топишга қўмаклашгани ватандошларимизнинг руҳини кўтарди. Маҳаллий мутасаддилар ва ўзбекистонлик юзлаб ёшлар билан мулоқот ўтказгани ҳолда муносиб шароитда ўқиб, ишлаши учун қўшимча имконият яратишга интилди. Айниқса, патентсиз юрганларга амалий ёрдам кўрсатилиб, ҳуқуқий манфаатини муносиб ҳимоялангани халқимизнинг жислелиги ва аҳиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки олис юртда бирор муаммога учраган ҳамюртимизга ўз вақтида қўмак беришга тайёр давлати, халқи борлигини ҳис қилиш гурури, ишонч бағишлаши шубҳасиз.

Хорижий юртларда ўқийдиган ёки ризқ-насибасини териб юрган ватандошларига бундай далда бўладиган давлат ёки халқ дунёда жуда кам. Аксарият ҳолатларда чет элга чиқиб кетган фуқаролари ташвишига иккинчи даражали иш деб қараш тенденцияси мамлакатлар учун ҳали ҳам бегона эмас. Бунинг оқибатида инсон тақдирини аянчили туғанган, ёш авлод таълим-тарбияси ва истиқболга хавф остида қолган ҳолатлар кузатилади.

Давлатимиз раҳбари Бишкек шаҳрида МДХ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқида ёшлар сиёсати соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масаласи долзарб аҳамиятга эгаллигини таъкидлади. Шунингдек, янги қўшма лойиҳа доирасида келгуси йилда "Ҳамдўстликнинг ёшлар пойтахти" деб эълон қилинган Тошкент шаҳрида тадбирларга бой дастур тайёрланаётгани қайд этилди. Бу саяё-ҳаракатлар беғиж эмас. Глобаллашаётган дунёда инсон яқка-ёғлиз катта довлонларни забот этолмайди. Халқимиз бунинг содда қилиб, "ёғлиз отнинг чанги чикмас, чанги чиксаем донги чикмас", дейди. Ёнида ўзига ҳамфикр, қўллаб-қувватловчилари бор бўлсагина, киши юғяларини рўёбга чиқариши мумкин. Шу маънода, давлатимиз ёшларининг иттифокдош мамлакатлардаги тенгдошлари билан дўстлашуви халқлар дипломатиясини мустаҳкамлашда ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Кези келиб, бу йигит-қизлар камолга етганида давлатлараро ўзаро тушуниш, мулоқот жараёни осон кечаяди. Ёшлиқдан боғланган ҳамжихатлик ишталари йиллар ўтиб узилмас занжирга айланади.

Дунёда глобаллашув шиддатли тус олган бугунги кунда яқин-узқоқ мамлакат ва минтақалар билан алоқалар давлатлар учун қанчалик муҳим бўлса, оддий инсон ва халқлар учун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ёшларга оид сиёсатдаги ҳамкорлиги изчил кенгайиб бораётгани ва салмоқли даражада юксалаётгани халқларнинг ривожланиши ва дўстона муносабатлари учун ҳам фойдали бўлиши табиий. Айниқса, мазкур дўстона муносабатларнинг илм-фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳам ривожланаётгани ёш авлод камолотида муҳим ўрин тутаяди.

21 октябрь - Ўзбек тили байрами кунини

Ўз тилимизга садоқат

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан, аввало, ота-боболаримизнинг азалий орузи ушларди. Бугун она тили мустақил давлатимиз байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси каторида турадиган, қонун йўли билан химоя қилинадиган муқаддас тимсолга айланган. Ўзбек тили Конституциямизда давлат тили сифатида расман белгилаб қўйилиши миллатимиз, маънавиятимиз тарихидаги энг катта ютуқ бўлди.

ТЕНГСИЗ БОЙЛИГИМИЗ, НОМУС-ОРИМИЗ

Тилимиз ҳақида қайғуриш бугун ҳар қачонгидан-да муҳим бўлиб борапти. Бунга сабаблар кўп. Аввало, бугунги глобаллашув даврида чет тилларни ўрганишга интилиш кучаймоқда. Аксарият ота-оналар фарзандларини хорижий тилларни замонавий технологиялар ёрдамида ўрганишга йўналтириб, она тилимизнинг асл жозибаси ҳақида унутиб қўйиш ҳолатлари жиддий сезила бошлади.



Авазжон МАРАҲИМОВ, техника фанлари доктори, профессор

Иккинчиси, қайси бир омил ёки ўлчовларнинг таъсири бу, кўчалардаги реклама-лар, дўконлар ва турли хизмат кўрсатиш шохобчалари пештоқдаги ёзувларни миллийлигимиздан беғоналаштириш ҳолати кенг тур олди. Вилоятлар марказлари, ҳатто туман ёки қишлоқларга борсангиз ҳам ўзингизни ҳудди чет элда юргандек сезасиз. Овқатланиш шохобчалари, дўконларнинг яримдан кўпи тилимизга ёт номлар билан аталади.

Шу боис ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йили Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда "Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган мавзу, бу — жой номларини белгилаш масаласи, десак, ҳато бўлмайди. Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештоқда топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпгина хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга, белгиланган умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетмаётганидан далolat беради", дея қайғурган эди. Аммо ҳалигача бу борада бирор аниқ натижага эришганимиз билан мақтана олаймиз.

Учинчиси, ва бизни жуда хушёр тортириши керак бўлган жиҳат шундаки, чет элликлар олдида ўз она тилимиз —

ВАТАНИЙ ИШДИР



элик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Она тилимиз нуфузини янада юксалтириш мақсадидаги ишлар бундан кейин ҳам тизимли давом этади. Бойси, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ўзбек тили кенг тарғиб қилиш ва унинг халқаро миқёсдаги обрўсини кўтариш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, маданият, санъат ва хунармандчилик йўналишидаги олийгоҳларда хориждаги ватандошлар учун 200 та грант ажратилиши, Санъатшунослик институти, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти архивидаги 3 мингдан зиёд архив материаллини замонавий форматга ўтказиш, "Ўзбек адабиёти хазинасидан" кўп жилдлик, "Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари" 100 жилдигининг ўзбек тилида нашр этиш кўзда тутилган.

Албатта, бу каби хайрли тадбирлар тилимизнинг халқаро нуфузи ва мақомини оширишда кўл келмоқда. Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсда 50 миллион кишига яқинлашиб қолгани ҳам фикримиз далилидир. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далolat беради.

Шунга қарамайдан, тилимизнинг бугунги аҳоли ҳақида қўн ва қўйнимасдан гапириб бўлмайди. Чунки биз бугунги зиддиятли, геосийосий таҳликага тўла, ўзаро кескин рақобат ва низолар кўчагайган бир шароитда каби давлатларнинг 60 га яқин университети ва 100 дан зиёд мактабларида ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет

дунё қаҳшонидаги нуфузимиз ва ўрнимиз хиралашиб қолмаверди.

Тўри, бугунги замон ҳар биримиздан, айниқса, ёшлардан кўп тилларни билишни талаб қилади. Лекин бу ютуқларимиз, асло, она тилимизни унутиш эъзига бўлмағини бир зум бўлса-да, унутишга ҳақимиз йўқ.

XX аср бошида олти тилли — ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида лугат тузган Исҳоқов Ибрат "Бизнинг эълар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилишлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиб қилиб, эҳтиром кўрсатинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир", деганида ҳақ эди. Шундай экан, биз она тилимизга ҳурмат руҳини ҳар қаерда ҳам қўн қараб қолганимиз керак ва бу қўн-нўнгатга айланмоғи шарт.

Расул Ҳамзатов "Менинг Доғистоним"да шундай ёзади: "Яратганимиз ўз болаларини она тилида гапиришдан бенасиб эмас, — тил ва ёл бошқа аёлни шундай қарган эди..."

Бу қанчалик оғир мусибат эканини англаш, айниқса, бугунги таҳлика замонада унчалик қийин эмас. Бойси, ён-атрофимизда, бугун дунёда мураккаб бир давр кечмоқда. Инсон ўзлиги, ёшлар онги учун қурол қетмоқда. Бундай вазиятда ёшларимиз ўзгичлиги унутмаслиги, миллий қадрият ва аънаъларига содиқлигини кўпроқ намойиш этмоғи зарур ва шарт.

Она тили эса ана шу бой қадрият ва аънаъларимизнинг бош асоси ва катта бешиғидир. Шунинг учун ўзликни англаш, аввало, она тилига ҳурматдан боғлашни асло унутмайлик!

Кувончу шодлигимизни ҳам, гам-ташвишимизни, режаю муаммоларимизни ҳам ифода этадиган восита тилимиздир. Мехримизни, қаҳримизни, хайрихоҳлигимиз ёт нафратимизни тил ёрдамида баён этамиз. Усиз, содда қилиб айтганда, "ёрибли ўламиз". Тилимизнинг бебаҳо неъмат экани, аввало, ана шунда.



Ҳабиб СИДДИҚ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Сўнги йилларда 21 октябрь — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган санани байрам сифатида юқори кўтаринкилик ила нишонлаямиз. Чунки тилимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга эътибор янада кучайтирилди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбек тили байрамини нишонлаш бўйича қонун қабул қилинди.

КОРОНҒИ ХОНАДА ЧАРАҚЛАГАН ҚУЁШ

республикаларга ҳам ишга юборилади, тушунарли, лекин эртага ўзимизнинг дала-ларда ишлайдиган агрономларга рус тили-да дарс ўтишининг нима кераги бор, ўзбек тилида ўтилса бўлади-ку" деганида, раҳбар даровс ўрниндан туриб, "майли сиз ўзбекча ўтишининг мумкин, рус тилини биладиган довллар рус тилида ўтади" деб "ёғзини ёпан", бу билан ўзбек болаларига ўзбек тилида дарс ўтишни тақдир қилаётган устозни камситишга интилганди. Бу ўринда раҳбарни ҳам айблamoқчи эмасман, ўша даврнинг руҳи, талаби шунчаки эди. Ишга кирмоқчи бўлган фарош ёки қордовул ҳам рус тилида ариза ёзиши ёки кимгадир илтимос қилиб ёздирishi шарт эди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган дастлабки даврдаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Институт жамoаси йиғилиши биринчи бор ўзбек тилида ўтилди. Унгача барча йиғилишлар рус тилида бўларди. Йиғилиш якунланаётганда раислик қилувчи иштирокчилардан фикр сўради. Ёши улғу бир хўжалик ходими қўл кўтариб: "Ҳар гал мажлисга кирсак, нима гал бўлганини билмай чиқиб кетардик, бун-гун қоронги хонада қўёш чарақлаб чиққан-дай бўлди. Булар экан-ку ўзбек тилида гапирисал!" деди. Шунда ҳам йиғилишни бошқарган раҳбар: "Бундан буён тўла ўзбек тилида ўтказамиз мажлисларни", дея олмади, мужмалроқ қилиб: "Ҳа, энди, жамoамизда турли миллат вакиллари бор-да", дея талмоқсизради. Чунки ишонч йўқ, эртага орқага қайтиб қолинадими, деган ҳадиқ бор эди.

Шўқриқи, сўнги йилларда миллий қадриятларимиз, она тилимиз, маънавий ме-росимизга эътибор кўчади, китобхонлик тарғиботи ва мутлола маданиятини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширил-моқда. Қўнун ҳужжатлари билан ўзбек тили-нинг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тўбдан ошириш, уни-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпар-варлик, миллий аънава ва қадриятларга



садоқат руҳида тарбиялаш, давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, юр-тимизда яшаётган миллат ва эллар тил-ларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шарoит яратиш, тил маъсатини ривож-лантиришнинг стратегик масъаллари, усту-вор йўналиш ва истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди.

Тилимизнинг дунё тиллари орасидаги ўрни ва нуфузи ҳақидаги маълумотлар ҳам кўнунгилга қувонч бахш этади. Шун-дан, ўзбекча айтганда, "тилимиз узув". Қирқта туркий тил орасида шу тилда гап-лашадиганлар салмоғи бўйича ўзбек тили иккинчи ўринда туради. Дунёнинг қатор университетларида турли миллат вакиллари ўзбек тили ва адабиётини ўр-ганяпти, ушбу соҳада илмий изланиш ва тадқиқотлар қилаётган чет эллик олим-лар сафи ҳам тобора кенгаймоқда. Бу эса дунё ҳамжамияти орасида Ўзбекистонга, миллатимизга ва унинг улкан маънавий меросига, юртимиздаги кенг қўламли ис-лохотларга дунё ҳамжамияти қизиқини ор-тиб бораётганини кўрсатади.

Тилимизни ўрганиш, ундан фойдала-ниш, тарғиб этиш ишларини таҳлил қилиб, бу хайрли эши хилса қўшиш бўйича ва-зифаларни белгилаб олишимиз ва изчил амалга оширишимиз даркор.

Ёшларимиз орасида тил ўрганиш кў-чагини қувонарли ҳол. Бироқ бу ўзбек ти-лини унутиш ҳисобига бўлмағини керак. Хорижий сўзларни аралаштириб сўзла-шга одатланиб қолган, ҳатто бунни ўзича маданиятлик белгиси деб қарайдиган ки-шиларни қўриб ачинай кетасан.

"Қўндаланг саволлар" туркумида бир вақтлар "Ўз она тилини билмаган онанинг фарзанди учун она тили қайси тил бўла-ди?" деб ёзиб қўйган эканман.

Фарзандларимиз тилимизни қадрла-ш учун биз катталар — ота-оналар, устозлар намуна бўлишимиз керак. Тил бойлигини оширишнинг, мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг асосий

йўли китоб мутлоасидир. Халқ озаки ижоди, мумтоз адабиётимиз тилимизнинг бебаҳо хазинасидир. Назаримда, бадий китобларни, айниқса, мумтоз адабиёт на-муналарини ўқиш билан тилимиз янада бой ва жозибали бўлади. Юрагимизда, онг та-факкуримизда она тилимизга меҳр-мухаб-бат туйғулари янада мустаҳкамланади. Абдулла Қодирий ёки Чўлпон асарларини ўқиш жараёнида бугун истеволда бўл-маган қанча сўзларимиз борлигига амин бўламиз. Ҳар қандай сўз ҳам ишлатилма-са, аста-секин унутилиб кетади. Ҳаққон бойлигимиз бўлган сўзларни йўқотиш би-лан тилимизнинг жозибаси ва тароватига пу-тур етади. Сўз бўйлигимиз ортиси билан муомала-мулоқотларимиз гўзаллаша-са, сўз-ларни унутиш билан нутқимиз фарбланиб боради.

Бебаҳо маънавий қадриятимиз бўлган она тилимизни авайлаб-асраш, ривожлан-тириш, тарғиб қилиш, келажак авлодларга бойитилган, жозiba ва тароватини сақла-ган ҳолда етакизи олдимизда турган муҳим вазифадир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эъти-бор деб, давлат тилига эҳтиром ва са-доқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаёти-миз қондасига айлантиришимиз лозим".

Миллат тафаккурининг бебаҳо хазина-си, улкан бойлиги бўлган она тилимизни ривожлантириш, халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида бугунги кенг қўламли ишларимиз келажакда мил-лий маънавиятимизни юксалтириш, жа-миятимизда юксак инсоний фазилатларни қамол топтириш, ёш авлодни она тилига мухаббат руҳида тарбиялашда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.